

ТАСДИҚЛАЙМАН  
«Аммофос-Максам» АЖ  
Бошқарув раиси

А.Т. Турсунов

2022 й.



## «АММОФОС-МАХАМ» АЖ Манфаатлар тўқнашувини бошқариш СИЁСАТИ



Уибу хужжатга эгалик ҳукуқи «Аммофос-Максам» АЖ га тегишили бўлиб, хужжат конфеденсиял ҳусусиятга ега. Мажкур хужжатнинг мазмунти, СБВ билан келишилмаган ҳолда, бирор бир ерда тўлиқ ёки қисман келтирилиши ва корхона ходими ҳисобланмаган учинчи шахсларга берилшин ташқишунаади.

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН**

Комплаенс хизмати мутахассиси  
Р.Ж. Матёкубов

**КЕЛИШИЛГАН**

Комплаенс хизмати бошлиғи

А.А. Абдубоисхўжаев А.А. Абдубоисхўжаев

Юридик шартномалар бўлими  
етакни юрисконсульти

У.Т. Эргашев У.Т. Эргашев

Кадрлар бошқармаси бошлиғи

Б.И. Мирсаидова Б.И. Мирсаидова

**Бошқарув аъзолари:**

Ф.З. Шакиров

Б.Б. Содиков

Ж.Ю. Юсупов

А.В. Маннапов

Молия директори в.в.б.

Н.М. Мирсаитова

Сифат бошқариш вакили

Н.В. Волынскова Н.В. Волынскова



aksiyadorlik jamiyati

Хужжатнинг хос рақами

С 00203074-48-02:2022

Тахрир

1

Амал қилиш муддати

дан

гача

Узайтирилди

гача

## Мундарижа

	Үзгартришларни қайд этиш вараги.....	3
1	Умумий қоидалар.....	4
2	Масъул таркибий бўлинма ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари.....	5
3	Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби.....	6
4	Жамиятнинг ўрнатилган алоқа каналлари орқали Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳақида хабар бериш.....	9
5	Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари.....	9
6	Ахборотнинг конфеденциаллиги.....	10
7	Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар.....	10
8	Жавобгарлик.....	11
9	Сиёсатга 1-илова.....	12
10	Сиёсатга 2-илова.....	14
11	Сиёсатга 3-илова.....	18
12	Сиёсатга 4-илова.....	20
13	Сиёсатга 5-илова.....	21
14	Сиёсатта 6-илова.....	22
15	Сиёсатта 7-илова.....	23
16	Сиёсатта 8-илова.....	25
17	Танишув вараги.....	26

## Ўзгартиришларни қайд этиш вараги

Ўзгартиришнинг т/р	Вараклар рақами (бет)				Хужжатдаги жами варак (бет) сони	Хужжатнинг рақами	Бирга юборилган хужжатнинг т/р	Имзо	Сана
	Ўзгартирилган	Алмаштирилган	Янги	Олинган					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

## 1 Умумий қоидалар

1 Ушбу Сиёсат «AMMOFOS-MAXAM» Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – «Жамият»)нинг фаолиятида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва тартибга солиш тартибини белгилайди.

2 Ушбу Сиёсат талаблари Жамият тизимидағи барча ходимларга, уларнинг эгаллаб турган лавозими ва хизмат ваколатларидан катъи назар, кўлланилади.

3 Ушбу Сиёсатда кўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

- **яқин қариндошлар** - қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишиган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олингандар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишиган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари;

- **уруг-аймокчилик** - ходимнинг умумий аждодга эга бўлган муайян қариндошга мансублиги асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, илтифотли ва нохолис муносабатда бўлиш шаклидаги шахсий манфаатининг намоён этилиши;

- **манфаатлар тўқнашуви** - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик, Жамият ходимининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан Жамиятнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатлари ўргасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

- **маҳаллийчилик** - шахсни фақатгина қариндошлиги (қариндошни ҳамма билиши/машҳурлиги ва унинг жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилганлиги) ва бундай шахснинг ҳокимият ваколатига эга бўлган органлардаги қариндошларининг хизмат мавқеи сабабли лавозимга қўйиладиган малака талабларини ҳисобга олмасдан ишга ёллаш, ротация қилиш, лавозимга тайинлаш;

- **ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** - Жамият ходимлари томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чорида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари);

- **непотизм (таниш-билишчилик)** - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ғайриконуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асосиз мукофотлар хисоблаш, Жамият манфаатлари зарарига яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

- **хомийлик** - ён босиши, қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклида Жамият ходимини юқорироқ лавозимдаги ходим томонидан химоя қилиниши;

- **потенциал манфаатлар тўқнашуви** - ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлик бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлар) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Жамиятнинг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва Жамият ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

- **манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш** – ходимлар томонидан потенциалли ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;

- **ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлик бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлар) Жамият манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

- **алоқадор шахслар** – ходим билан тижорат Жамиятларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган

акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган микдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно;

**- манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш** - Жамият томонидан ходимларининг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлар) Жамият манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;

**- фаворитизм** - Жамият ходими бир шахс ёки бир гурӯҳ шахслар манфаатларини бошқа шахс ва (ёки) шахслар гурӯҳи манфаатларидан устун қўйиш, шу билан бирга, Жамиятда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, лавозими бўйича кўтариш, мукофотларни ҳисоблаш ва давлат мукофотларига тавсия қилиш, меҳнат таътиллари бериш ёки санаториялар ва хориж сафарларига юбориш, мурожаатларни кўриб чиқиш навбатини, шунингдек, иш вақти ва навбатчилик графикларини белгилаш шулар жумласидандир.

4 Жамият ҳамда унинг ходимлари манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалаларида қўйидаги асосий принципларга риоя қилишлари шарт:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- Жамият ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда давлат ва жамият манфаатларини шахсий манфаатдорлигидан устун қўйиши;
- Жамият ходимлари томонидан ошкоралик, виждонийлик, холислик асосида карорлар қабул қилиниши;
- ходимлар томонидан потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг мажбурийлиги;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича профилактик чораларнинг устуворлиги;
- манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши;
- манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга холис ёндашуви;
- ушбу Сиёсатда белгиланган тартибда Жамият ходимлари томонидан тақдим этилган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;
- агар ходим бирон-бир карор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда Жамият манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишига тайёр бўлса, уни ҳақиқий ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл кўйилмаслиги.

## 2 Масъул таркибий бўлинма ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари

2.1 Жамият ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришида ва (ёки) Жамиятнинг манфаатларини ифодалашда ушбу Сиёсатда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.

2.2 Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Жамият ходимлари:

- ушбу Сиёсатнинг талабларига риоя қилиши;
- фақат Жамият манфаатларини кўзлаши;
- ўз хизмат мавқеидан фақат Жамиятнинг манфаатларида фойдаланиши;
- Жамият манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида Жамиятнинг комплаенс хизматини хабардор қилиши;
- непотизм (қариндошлиқ), ҳомийлик, фаворитизм, маҳаллийчилик ва уруғаймоқчиликнинг намоён бўлишига катъий чек қўйиши;

- потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вактида ва тўлиқ ошкор қилиши;
- ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслари тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг нодавлат нотижорат Жамиятларидағи иштироки ҳақидаги маълумотларни ҳалол, тўлиқ ва вижданан ошкор қилиши шарт.

2.3 Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида Жамият ходими қўйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши керак, агар:

- ходимнинг бевосита бўйсунуvida яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар бўлса;
- ходим яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан ходимларга (жумладан, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мукофотлар, устамаларга тақдим этиш ва уларнинг микдорини белгилашга) оид қарорлар қабул қилишда иштирок этса;
- ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари нодавлат нотижорат Жамиятларида улушларга ёки акцияларга эга бўлса (Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган микдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно);
- ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари ва (ёки) у билан алоқадор шахслар ишлайдиган Жамият назорати остидаги Жамиятларнинг фаолиятини назорат қилишнинг алоҳида функцияларини бажарса;
- ходим Жамият томонидан ўзининг шахсий манфаатдорлиги бўлган товарлар, ишлар ёки хизматларни харид қилиш ҳақида қарор қабул қилишда иштирок этса.

2.4 Ушбу Сиёсатнинг 7-иловасида келтирилган ҳолатлардан ташқари бошқа ҳолатларда ҳам манфаатлар тўқнашуви вужудга келиши мумкин. Манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигини аниклаш учун ҳар бир вазият барча ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда алоҳида кўриб чиқилади. Ушбу Сиёсатда назарда тутилмаган янги манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аникланган тақдирда, мазкур Сиёсатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим.

2.5 Жамият ходимларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **3 Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби**

3.1 Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Жамиятда вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш (хар йиллик декларация);

потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви факти бўйича маълумотларни ошкора қилиш.

3.2 Жамиятнинг бўш иш жойларига номзодларнинг, ходимларнинг уларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш Кадрлар бошқармасига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади:

- маълумотнома-объективка ва мазкур Сиёсатнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги (ходим томонидан ички ҳужжатларда назарда тутилган ҳужжатларни аввал тақдим этганлигидан қатъи назар) маълумотлар (яқин қариндошлар, алоқадор шахслар, устав капиталида ходим ёки унинг яқин қариндошларининг улуши бўлган юридик шахслар, нодавлат нотижорат Жамиятларида ходимнинг ва (ёки) унинг раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган яқин қариндошларининг иштироки);

- ишга қабул қилинаётганида манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки йўқлиги хақида мазкур Сиёсатнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза тўлдирилади.

3.3 Манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- ходим томонидан тақдим этилган ҳужжатларни Кадрлар бошқармасининг масъул ходими уларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлиги бўйича текширади. Манфаатлар тўқнашуви аниқланганида Кадрлар бошқармасининг масъул ходими ушбу ходимнинг бевосита раҳбарига мазкур манфаатлар тўқнашуви ва уни ҳал қилиш учун чора кўриш зарурлиги хақида ёзма шаклда хабар қиласди;

- ходимнинг бевосита раҳбари ушбу маълумотни олган пайтдан бошлаб манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чораларини кўради ва бу хақда ёзма шаклда хизмат хати кўринишида Кадрлар бошқармасига хабар қиласди;

- кадрлар бошқармасининг масъул ходими ходимнинг бевосита раҳбаридан кўрилган чоралар билан хизмат хатини олган пайтдан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилиги ва мақбуллигини кўриб чиқиш учун аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳакидаги маълумотларни Жамиятнинг Одоб-ахлоқ комиссиясининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритади. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича чоралар кўриш юзасидан қарор Жамиятнинг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан қабул қилинади (Сиёсатнинг 6-иловаси).

3.4 Жамият ходими манфаатлар тўқнашуви ҳакидаги маълумотни ротация/лавозимга тайинланишида манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/йўқлиги хақида ариза бериш ва ҳар йили мазкур Сиёсатнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ариза топшириш ўули билан ҳар йили ошкор қилиши лозим.

Манфаатлар тўқнашуви ҳакидаги маълумотларни ҳар йили ошкор қилиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- Жамиятнинг барча ходимлари хисобот даврида юз берган воқеалар ва ўзгаришларни хисобга олган ҳолда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги хақида Кадрлар бошқармасига бир йилда бир марта хабар бериши шарт;

- Жамият Кадрлар бошқармаси томонидан ҳар йили 15 январгача Жамият ходимларида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/йўқлиги ҳакида хабар бериш зарурлиги тўғрисида топширик берилади;

- Жамият ходимлари ҳар йили 15 февралгача манфаатлар тўқнашуви ҳакидаги маълумотни ротация/лавозимга тайинланишида ва мазкур Сиёсатнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ҳар йили ариза топширишда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/йўқлиги ҳакидаги аризани тўлиқ ва тўғри тўлдиришлари ва тўлдирилган аризани Кадрлар бошқармасига тақдим қилишлари лозим;

- Жамиятнинг Назорат бўлими ходимларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/йўқлиги ҳакида хабар бериш зарурлиги тўғрисидаги топшириқни барча Жамиятнинг таркибий тармоқларига етказади;

- Жамиятнинг Кадрлар бошқармаси 10 марта тақдим манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини кўрсатган ходимларни аниқлаш учун манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳакида олинган аризаларни таҳлил қиласди;

- бундай ходимлар ҳакидаги маълумот уларнинг бевосита раҳбарларига етказилади ҳамда Жамият Одоб-ахлоқ комиссиясига ёки комплаенс хизматига юборилади (агарда, Жамият Одоб-ахлоқ комиссия аъзоларида манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда);

- Жамият Одоб-ахлоқ комиссияси ходимнинг бевосита раҳбари ва (зарурат бўлганда) ходим иштирокида 20 марта тақдим манфаатлар тўқнашуви холатини кўриб чиқади ва манфаатлар тўқнашуви билан тавсифланадиган вазиятларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳакида қарор чиқаради;

• манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/йўқлиги ва уларни ҳал қилиш бўйича мўлжалланаётган чоралар ҳақидаги якуний қарор Жамият Одоб-ахлоқ комиссиясининг баённомасига киритилади ва ходимга етказилади. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича тасдиқланган чора-тадбирларни амалга ошириш устидан назорат қилиш бўйича жавобгарлик ходимнинг бевосита раҳбари зиммасида бўлади;

• Жамият Кадрлар бошқармаси томонидан 25 марта мазкур Сиёсатнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрига киритиладиган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги электрон маълумотларни жамлайди ва сақлайди;

• ҳар йили I чоракда Жамиятнинг комплаенс хизмати Жамиятнинг Кадрлар бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, аниклаш ва ҳал қилиш бўйича статистика таҳлилини Жамиятнинг Башқарув раисига киритади.

Ходимлар ҳар йили Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслигини декларациялаши шарт бўлган лавозимларнинг рўйхати ушбу Сиёсатнинг 8-иловасида келтирилган.

3.5 Мавжуд ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

• Жамиятнинг ҳар қандай ходимида манфаатлар тўқнашуви келиб чиқсанда, у бу ҳақда бевосита раҳбариға ҳақиқий ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви сифатида тавсифланадиган ҳолатни батафсил баён этиб мазкур Сиёсатнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хабар бериши лозим;

• кўрсатилган маълумот ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви келиб чиккан ёки ходимга манфаатлар тўқнашуви маълум бўлган пайтдан бошлаб 1 (бир) иш куни ичида ёзма шаклда тақдим этилиши керак;

• ходимнинг бевосита раҳбари ходимдан ёзма хабарни олган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни кўриб чиқиши ва манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганида ходимнинг манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиш эҳтимоли ҳақидаги хабарномасида тегишли маълумотни тўлдириб, уни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш лозим;

• хабарнома ходим томонидан 1 (bir) иш куни ичида Кадрлар бошқармасига рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун тақдим этилади;

• Кадрлар бошқармаси хабарномани олиб, 1 (bir) иш куни ичида манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилиги ва мақбуллиги ҳақида қарор чиқариш учун Жамият Одоб-ахлоқ комиссиясининг энг яқин вактдаги мажлиси кун тартибиға киритиши лозим. Жамият Одоб-ахлоқ комиссиясининг қарори Одоб-ахлоқ комиссиясининг мажлиси баённомасига киритилади ва ходимга у тузилган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида маълум қилинади. Жамият Одоб-ахлоқ комиссиясининг аъзоси, агар унда Комиссия мажлисида манфаатлар тўқнашуви кўриб чиқилаётган ходимга нисбатан манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда қарор қабул қилишда иштирок этмайди;

• агар манфаатлар тўқнашуви билан боғлик бўлган аниқ вазият Жамият Одоб-ахлоқ комиссиясининг аъзоларига алоқадор бўлса, бундай маълумотлар олинган кундан бошлаб 1 (bir) иш куни ичида Жамиятнинг комплаенс хизматига тақдим этилиши лозим;

• манфаатлар тўқнашувининг ҳал этилишига қараб Жамият Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса қилинади ҳамда ҳал қилиш учун Жамиятнинг Башқарув раисига кўриб чиқишга тақдим этилади;

• Жамиятнинг ходимлари томонидан ошкор этилган мавжуд ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳамда уларни ҳал этиш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги маълумот Жамият Одоб-ахлоқ комиссиясининг мажлиси баённомаси тузилганидан сўнг 3 (уч) иш куни ичида Реестрда акс эттирилади.

## **4 Жамиятнинг ўрнатилган алоқа каналлари орқали Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳақида хабар бериш**

4.1 Жамиятнинг ходимларида Жамиятнинг бошқа ходимларига нисбатан Ҳақиқий ёки Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумот ёки асосли тахминлар пайдо бўлганида, улар бундай маълумотларни Жамиятда ўрнатилган қуидаги алоқа каналларидан бири орқали тақдим этиши керак:

- + 998(78) 1507058 "Ишонч телефони" орқали;
- info@ammofos-maxam.uz электрон почта орқали;
- 110100, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Саноат зонаси почтаси орқали;
- жамиятнинг бевосита раҳбарига;
- тўғридан-тўғри Комплаенс хизматига [compliance@ammafos-maxam.uz](mailto:compliance@ammafos-maxam.uz).

4.2 "Ишонч телефони" ва Жамиятда ўрнатилган бошқа алоқа каналларига Ҳақиқий ёки Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида хабарлар келиб тушганда, мазкур Сиёsat ва Жамиятда ўрнатилган ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

4.3 Жамият, жумладан "Ишонч телефони" ва Жамиятда ўрнатилган бошқа алоқа каналларига Ҳақиқий ёки Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш учун масъул бўлган ходимлар ўзларининг ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ишончли маълумот ёки асосли тахминларни тақдим этган шахс тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлайди (*Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда туттилган ҳоллар бундан мустасно*).

4.4 Жамият ходимларнинг манфаатларини химоя қилиб, "Ишонч телефони" ва Жамиятда ўрнатилган бошқа алоқа каналларига Жамиятнинг бошқа ходимларига нисбатан Ҳақиқий ёки Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида вижданан маълумот ёки асосли тахминлар ҳақида хабар қилган ходимлар таъқиб қилинишига, жумладан ишдан бўшатилиши, лавозимда туширилиши, камситилишига йўл қўймасликни кафолатлайди.

4.5 Қасддан ёлғон маълумот, сохта гувоҳлик бериш ёки тухмат қилиш ушбу Сиёsatни бузганлик ва ахлоққа зид хатти-харакат хисобланади, бундай хабарни тақдим этган ходим эса Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

## **5 Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари**

5.1 Жамиятнинг манфаатларининг бузилишини олдини олиш учун мавжуд манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари имкон қадар тезроқ амалга оширилиши лозим.

5.2 Жамиятда манфаатлар тўқнашувларини бошқаришда қуидаги чоралар белгиланиши керак:

- бевосита бўйсунадиган ходимни яқин кариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш;
- манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида қатнашишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашиш/ўзини ўзи рад этиши ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтингча) четлаштирилиши;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриш;

- ходим томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган Жамиятнинг маълумотлари ва хужжатларидан фойдаланишини чеклаш;
- юкорироқ лавозимни эгаллаб турган яқин қариндош ва (ёки) алоқадор шахсга нисбатан лавозимни кўтариш, фаолиятини баҳолаш, мукофот пулларини тўлаш ва иш ҳаққига устамаларни ҳисоблаш, ўқишига ва тренингларга ҳамда ҳар қандай масалалар бўйича хорижга юбориш, меҳнат таътилига чиқишига розилик бериш ва иш ҳаққини назорат қилиш ҳақида жамоавий тарзда қарор қабул қилинишини таъминлаш;
- ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид функцияларни бажаришини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш ва бошқа ҳолатлар.

5.3 Истисно ҳолатларда, ушбу Сиёсатнинг 13-бандида санаб ўтилган чоралар манфаатлар тўқнашувини тўлиқ тартибга солмаган тақдирда, қуидаги тартибга солиш чоралари кўрилиши мумкин:

- ходим томонидан Жамиятнинг манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши;
- ходим томонидан Жамиятнинг манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечмаганда уни ишдан бўшатиш (меҳнат шартномасини бекор қилиш)га тавсия бериш.

5.4 Ҳар бир вазиятда, манфаатлар тўқнашуви предметини белгилаб берадиган фактдан келиб чиқиб, ходим билан Жамиятнинг келишувига қўра уни ҳал қилишнинг бошқа чоралари қўлланилиши мумкин. Кўриладиган барча чоралар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши ва мазкур Сиёсатда белгиланган тамойилларни амалга оширишни таъминлаши лозим.

## 6 Ахборотнинг конфиденциаллиги

6.1 Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда қатнашадиган ходимлар олинган маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаши ва ушбу маълумотлардан факат кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда ушбу жараённи назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фойдаланишини таъминлаши лозим.

6.2 Фуқаролар ва юридик шахслар томонидан Жамиятнинг ходимларида манфаатлар тўқнашуви факти ёки гумони ҳақидаги хабар билан Жамиятга мурожаат қилинганида уни кўриб чиқиш Жамиятнинг Кадрлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

## 7 Реестрии юритиши ва сақлашга қўйиладиган талаблар

7.1 Жамиятнинг Кадрлар бошқармаси манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобини мазкур Сиёсатнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга киритиш йули билан ўз вақтида ва тўлиқ юритишлари шарт.

7.2 Кадрлар бошқармаси тегишли Жамият ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобини ўз вақтида ва тўлиқ юритилишига жавобгар ҳисобланади.

7.3 Жамият Кадрлар бошқармаси манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар Реестрини ҳар чоракда (ёки заруратга қўра) йиғиш ва умумлаштириш йўли билан тўплаши лозим.

7.4 Маълумот Реестрга қуидаги ҳолларда киритилиши керак:

- Жамиятга ишга қабул қилишда – Жамият Одоб-ахлоқ комиссиясининг баённомаси тузилган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш кунидан кечиктирмасдан, агар номзод манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/йўклиги ҳақида аризада манфаатлар тўқнашувининг

мавжудлигини кўрсатган бўлса ва Жамият Одоб-ахлоқ комиссияси манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласа;

- лавозимга тайинлаш/ротация вақтида манфаатлар тўқнашувини ошкор килишда - Жамиятнинг раҳбари томонидан буйруқ имзоланган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш кунидан кечиктирмасдан;

- манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишига кўра – Жамият Одоб-ахлоқ комиссиясининг баённомаси тузилган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш кунидан кечиктирмасдан, агар Жамият Одоб-ахлоқ комиссияси манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласа;

- Жамиятнинг ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни ҳар йили декларация қилингандан - мазкур Сиёсатнинг 11-бандига мувофик;

- Жамиятнинг комплаенс хизмати томонидан Реестрга маълумот киритиш ҳақида бевосита кўрсатма бўлганида коррупциявий тавсифдаги маълумотни хабар килиш учун манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ҳақида алоқа каналларидан олинган маълумот тасдиқлангандা;

- ички хизмат текширувлари ўтказилганда ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва талабларига риоя қилиниши мониторинг қилингандан ҳамда Жамиятнинг комплаенс хизмати томонидан Реестрга маълумот киритиш ҳақида бевосита кўрсатма бўлганида.

- Ходимларнинг манфаатлар тўқнашувига тегишли бўлган ариза ва хабарномалари ҳамда бошқа маълумотлар Жамиятнинг Кадрлар бошқармасида сакланиши шарт.

## 8 Жавобгарлик

8.1 Эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, барча ходимлар, ушбу Сиёсатнинг талабларига риоя қилиш, шунингдек, ўз манфаатларининг тўқнашуви тўғрисида Жамиятта ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бериш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

8.2 Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиқкан ходимлар тегишли маълумотни таҳлил қилиш ва бошқа текширишларни ўтказишида Жамиятнинг масъул шахсларига кўмаклашишлари лозим.

8.3 Ходимнинг манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни яшириши ва (ёки) қасддан ўз вақтида ёки тўлиқ ошкор этмаслиги, Жамият манфаатларининг бузилишига олиб келганлиги ёки олиб келмаганлигидан қатъи назар, қабул қилинган ахлоқий нормалар, меҳнат интизоми ҳамда Жамиятнинг ички талаблари бузилиши сифатида қаралади.

8.4 Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш, кўриб чиқиш ҳамда манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича масъул ходимлар, шу жумладан ушбу маълумотлардан фойдаланиш ваколатига эга ходимлар томонидан ахборот конфеденциаллигининг ҳар қандай кўринишда бузилиши ходимни интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

8.5 Ходимда у онгли равишда мазкур Сиёсатда белгиланган тартибда масъул мансабдор шахсларга хабар бермаган, хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаслигига олиб келган ва (ёки) Жамият манфаатларининг бузилишига олиб келган манфаатлар тўқнашуви аниқлангандан, бундай ходим Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Жамиятнинг ички меҳнат хужжатларида белгиланган асосларда ва тартибда интизомий жавогарликка тортилиши мумкин.

«AMMOFOS-MAXAM» АЖда манфаатлар тұқнашувини бошкариш бүйіча  
Сиёсатта 1-илова

**Номзод/ходим  
МАЪЛУМОТНОМАСИ**

**Ф.И.Ш**

(Тұлға)

\_\_\_\_\_ (охирги иш жойида иш бошлаган санаси):  
\_\_\_\_\_ (охирги әгаллаган лавозими)

расм

**Түғилған санаси:**

**Түғилған жойи:**

**Миллати:**

**Партияйишлиги:**

**Маълумоти:**

**Тугаттан:**

**Таълим мутахассислиги:**

**Илмий даражаси:**

**Қандай чет тилларини билади:**

**Харбий (махсус) унвони:**

**Давлат мукофотлари билан тақдирланғанми (қандай)?:** \_\_\_\_\_

**Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатами  
ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тұлық күреатилиши лозим):** \_\_\_\_\_

**МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ:**

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

**(Ф.И.Ш тўлиқ) яқин қариндошлари тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

Қариндошлиқ даражаси	Фамилияси, исми, шарифи	Туғилган санаси ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Яшаш манзили

**(Ф.И.Ш тўлиқ) яқин қариндошлари устав капиталида улушга эга ёки бошқарувида  
иштирок этаётган юридик шахсларга доир  
МАЪЛУМОТЛАР**

Юридик шахс номи, рўйхатдан ўтган рақами	Эгалик субъекти ва қариндошлиқ	Эгалик улуси / бошқарувдаги роли	Юридик шахснинг асосий фаолият тури

**Тижорат Жамиятларининг устав капиталида иштирок этаётган  
(Ф.И.Ш тўлиқ) ва унга алоқадор шахсларга\* доир  
МАЪЛУМОТЛАР**

Тижорат Жамияти номи, рўйхатдан ўтган рақами	Эгалик улуси

\* Алоқадор шахслар рўйхати ходим устав капиталида иштирок этаётган Жамият хақидаги очик манбалардан олинади.

«AMMOFOS-MAXAM» АЖда манфаатлар түкнешувини бошкариш бүйича  
Сиёсатга 2-илова

**Ишга қабул қилинаётганида манфаатлар түкнешуви  
мавжудлиги/мавжуд әмаслиги түгрисидаги аризанинг  
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ф.И.Ш (түликтеги): \_\_\_\_\_  
Номздо даъвогарлик қилаётган  
таркибий бўлинма номи: \_\_\_\_\_

Номздо даъвогарлик қилаётган лавозим: \_\_\_\_\_

*Мен, жамияттинг Коррупцияга қарши қурашини сиёсати, Хизмат одоби Кодекси, Манфаатлар түкнешувини бошқарши түгрисидаги Сиёсат, совгалар берши ва олиши, бизнес-тадбирларни ташкил этиши ва шитирок этиши, вакиллик харазжатларини амалга ошириш бўйича сиёсатининг амалдаги ичики идоравий хужжатлари билан танишдим:*

(Ф.И.Ш./имзо)

Тўлдирилган сана: \_\_\_\_\_

Ушбу аризада куйидаги атамалар кўлланилади:

**якин кариндошлар** – кариндош ёки куда томондан кариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, тугишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олингандар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, тугишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

**алоқадор шахслар** – Жамият ходими билан тижорат Жамиятларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган микдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

